


ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент ирригация ва қишлоқ  
хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти  
ректори, профессор  
Ў.Умурзаков




  
\_\_\_\_\_ 2020 й.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Олий аттестация  
комиссияси раиси,  
профессор А.Юсупов



  
\_\_\_\_\_ 2020 й.

08.00.04 - "Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти"  
ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон  
ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси  
Раёсатининг 2020 йил "27" Феврал даги "27/20" - сонли  
қарори билан тасдиқланган

Малакавий имтиҳоннинг дастури Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти хузуридаги DSc.27.06.2017.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил 24 декабрдаги 9-сонли мажлис баённомаси билан маъқулланган.

08.00.04 – “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” фани бўйича малакавий имтиҳон дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-4958-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 304-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/6-сонли қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 23 июнда 2764-1-рақам билан рўйхатдан ўтказилган "Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ тайёрланган.

**Тузувчилар:** и.ф.д., проф. Ў.Умурзаков  
и.ф.д., проф. Н.Хушматов  
и.ф.д., проф. Қ.Чариев

**Такризчилар:**  
Муртазаев О. – Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали директори, и.ф.д., профессор

Султонов Б. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти директори, и.ф.н., доцент

## КИРИШ

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамма даврларда ҳам долзарб масала ҳисобланган бўлиб, бугунги кунда унинг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-4958-сонли фармони билан белгиланган мамлакатимизда олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки босқичли тизимга ўтиши муносабати билан мутахассисларнинг илмий ва касбий маҳоратини ошириш ва малакали иқтисодчиларни халқаро андозалар даражасида тайёрлаш кўзда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги ПФ-4947-сонли фармони билан белгиланган соҳа илм-фани учун белгилаб берилган устувор йўналишлар назарда тутилган.

Дастурда қўйилган мавзулар ва саволлар илмий даражага талабгор тадқиқотчининг ушбу соҳадаги умумий назарий билими даражасини, тармоқдаги мавжуд амалий муаммоларнинг ва уларнинг илмий ечимларини топиш учун етарли билим, кўникмаларга эга эканлигини аниқлаш мақсадида тайёрланган.

Мазкур масалалар бўйича келтирилган назарий ва амалий муаммолар илмий даражага талабгорларга иқтисодий билимлар ҳамда кўникмаларнинг шаклланишига ёрдам беради.

Дастур илмий даражага талабгор учун 08.00.04 – "Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти" ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳонларга тайёрланиш ва уни топшириш учун мўлжалланган.

### **Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳони топшириш дастурининг мазмуни**

#### **1. "Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти" фанининг предмети ва методи**

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти тушунчаси ва методлари. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг миллий иқтисодиётда туган ўрни. Мева-сабзавотчилик ва пиллачилик соҳалари бўйича иқтисодий ислохотлар. Агросаноат мажмуининг ривожланиш кўрсаткичлари. Қишлоқ хўжалигининг жорий йилдаги ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш таркиби. Агросаноат мажмуининг ташкилий–институционал таркиби. Агросаноат мажмуасини ривожлантиришда қонунчилик ва норматив–ҳуқуқий базани такомиллаштириш. Агросаноат мажмуининг тармоқ таркиби. Агросаноат мажмуининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси. Агросаноат мажмуининг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқлар ҳолати, таркиби ва ривожланиш тенденциялари. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва шакллари. Агросаноат мажмуига кирувчи тармоқлар ва соҳалар ўртасидаги ўзаро хўжалик шартномалари, ижтимоий, иқтисодий ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол муносабатларини ривожлантириш. Агросаноат мажмуи тармоқларида кооперация муносабатларини ривожлантиришни ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмлари. Агросаноат мажмуида маркетинг тизимини ривожлантириш. Агросаноат мажмуида бошқариш концепциялари (менежмент) ва услубиёти. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни режалаштириш. Агросаноат мажмуи фаолиятининг пировард натижалари: мазмуни, аниқлаш методлари, кўрсаткичлари ва самарадорлигини ошириш йўллари. Жаҳон бозори конъюктураси кескин ёмонлашуви, инқирозга қарши чоралар дастури амалга ошириш шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб

чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш. Аграр тармокни модернизациялаш: йўналишлари, механизмлари, ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларида ер ва сув ресурсларидан тежамли фойдаланишда фан-техника тараққиёти ютуқларини қўллаш кўлами. Қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати.

## **2. Қишлоқ хўжалиги тармоқларида фан-техника тараққиёти ва унинг ютуқларидан фойдаланиш**

Қишлоқ хўжалиги, унга хизмат кўрсатувчи соҳалар ва қайта ишлаш тармоқларида моддий-техник таъминот, лизинг, ижара муносабатларини ривожлантириш. Қишлоқ хўжалиги тармоқларида замонавий техника ва юқори технологияларни жорий этиш асосида унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўналишлари. Қишлоқ хўжалигида рақобатбардош, сифатли ва экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнида ресурс тежовчи технологияларни қўллашнинг асосий мазмуни ва йўналишлари. Агросаноат мажмуини ривожлантириш ва экология. Қишлоқ хўжалигида интенсив технологиялардан фойдаланишни рағбатлантириш.

Қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш ва унинг самарадорлиги.

Республика иқтисодий минтақаларида, шу жумладан Орол бўйи минтақасида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш истиқболлари. Қишлоқ хўжалигида турли мулкчилик шаклидаги субъектлар фаолиятида статистик ҳисобот ва бухгалтерия ҳисоби, аудитни юритиш хусусиятлари ва уларни такомиллаштириш йўллари.

Қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоялаш, мулкий муносабатларни такомиллаштириш ва маҳаллий аграр бозорни ҳимоя қилиш методлари. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожланишининг минтақавий жиҳатлари. Қишлоқ хўжалиги тармоқларида ихтисослаштириш, ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва тармоқлар ўртасидаги нисбат. Пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш. Қишлоқ хўжалиги тармоғининг самарадорлиги кўрсаткичлари тизими ва уни ошириш йўналишлари.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш жараёнининг аграр сиёсатни амалга оширишдаги ўрни. Қишлоқда касаначилик, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш ва оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш чора-тадбирлари. Глобал иқлим ўзгариши ва унинг салбий оқибатларига мослашиш йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармонининг мазмуни, моҳияти ва унда белгиланган устувор йўналишлар, таълим, илм-фан олдига қўйилган вазифалар.

## **3. Аграр муносабатлар назарияси ва уларни тартибга солиш методлари**

Ўзбекистонда аграр соҳани ислоҳ этишнинг институционал асослари. Аграр-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш босқичлари. Аграр соҳани ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурларни амалга оширилиши. Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини шаклланиши жараёнида тармоқлараро ва ҳудудлараро ўзаро самарали ҳамкорлик назарияси. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини шаклланиши, ҳолати, таркиби ривожланиши тенденциялари ва истиқболларига таъсири. Озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосининг шаклланиш хусусиятлари. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларидаги баҳоларга таъсири. Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари бозори шаклланиши, ривожланиш босқичлари ва истиқболларини белгилашда ташқи бозордаги талабнинг қисқаришини таъсири. Ғалла бозорининг шаклланиши, амал қилиши ва ривожланиш

босқичлари, истикболлари. Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг мезонлари ва кўрсаткичлари.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялашнинг ўзига хос жиҳатлари. Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида мамлакат ички бозорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи шаклланишини тартибга солиш ва унга таъсир этувчи омиллар.

Дунёда юз бераётган молиявий, табиий-иқлим ва демографик жараёнларнинг ғалла, мева-сабзавот, чорвачилик маҳсулотлари бозорига таъсири ва хусусиятлари.

#### **4. Жаҳон хўжалиги интеграциялашувининг Ўзбекистон аграр соҳаси иқтисодиётига таъсири**

Умумжаҳон савдо ташкилотига (УСТ) аъзо бўлишнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига таъсири. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожланишини озиқ-овқат саноати таркиби ва ривожланиш тенденциялари билан боғлиқлиги. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ҳудудий жиҳатлари. Ўзбекистон Республикасини УСТга киришида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ўрни. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг Ўзбекистон агросаноат мажмуи иқтисодиётига таъсири. Ўзбекистоннинг жаҳон савдо ташкилотига кириш босқичлари. Ўзбекистон агросаноат мажмуи ва жаҳон бозорига интеграциялашув жараёни. Марказий Осиё давлатлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзаро боғлиқликлар. Аграр тармоқда протекционизм сиёсатини амалга ошириш хусусиятлари. Аграр соҳа маҳсулотлари билан экспорт ва импорт қилиш операциялари йўналишлари ва хусусиятлари. Экспорт тизимини такомиллаштириш масалалари.

#### **5. Аграр сиёсат ва унинг йўналишлари**

Мустақиллик йилларида аграр соҳа тармоқлари ривожланиши босқичлари. Давлат томонидан аграр соҳа, хусусан қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва корхоналарини қўллаб-қувватлаш механизмлари ва йўналишлари. Давлат томонидан аграр соҳани молия-кредит ва баҳо механизмлари орқали тартибга солишнинг назарий ва амалий асослари. Аграр соҳа тармоқларида бозор механизмларини жорий этиш ва ривожлантириш. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини таъсирини ҳисобга олган ҳолда агросаноат мажмуи, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва тармоқларини ривожланишининг сценарийлари. Аграр соҳа тармоқларини технологик жиҳатдан замонавий куроллантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмлари.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш жараёнининг аграр сиёсатни амалга оширишдаги ўрни. Қишлоқда касаначиликни ривожлантириш, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш ва оилавий тадбиркорликни рағбатлантиришнинг амалга ошириш чора-тадбирлари.

#### **6. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг хусусиятлари**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ресурслар сиғими ва уни камайтириш йўналишлари. Қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатларининг ўзгариши. Қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатларини ривожланиши ва мулкка эгалик қилиш қарашларини шакллантириш. Аграр соҳа тармоқларида хусусий мулкчиликнинг ривожланиши. Қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи турли хўжалик субъектлари: фермер хўжалиги, агрофирма хўжалиги, деҳқон хўжалиги ва бошқа хўжаликлар ўртасидаги нисбат. Ўзбекистонда деҳқон хўжаликларини моҳияти, ижтимоий-иқтисодий вазифалари ва ривожланиш истикболлари. Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида деҳқон хўжаликлари ривожланишини рағбатлантириш масалалари. Фермер ва агрофирма хўжалиги қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истикболли

йўналиши сифатида. Қишлоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳоли бандлигини оширишга ва қишлоқ ҳудудларини ривожланишига таъсири. Қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи хўжалик субъектларнинг самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари, ҳолати ва ривожлантириш йўналишлари.

Фермер хўжаликларини хусусан кўп тармоқли фермер хўжаликларини моддий-техник, ҳуқуқий, молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишлари.

## **7. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларини бошқариш, оптимал ер тақсимоти ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари**

Ер ислохотини ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий асослари. Ер ресурсларидан фойдаланишни прогнозлаш ва оптималлаштириш. Ердан фойдаланишнинг иқтисодий асослари: аграр соҳа иқтисодиёти тармоқлари (қишлоқ хўжалиги, сув ва ўрмон хўжалиги, саноат, транспорт, аҳоли яшаш жойлари ва бошқалар) ўртасидаги иқтисодий муносабатлар. Аграр соҳанинг истиқбол йўналишларини белгилашда ер муносабатларини такомиллаштириш зарурияти. Қишлоқ хўжалигида ер фондидан фойдаланишда бошқарув. Аграр соҳада ер ва сув ресурсларини бошқариш, оптимал ер тақсимоти ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ноқишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ажратишда қишлоқ хўжалигининг устуворлигини таъминлаш механизми. Аграр сиёсатни самарали амалга оширишда ер ислохоти ва оптимал ер тақсимотининг ўрни. Ер участкаларини хусусийлаштириш ва ер бозорини шакллантиришнинг иқтисодий асослари. Аграр соҳа тармоқлари ва қишлоқ хўжалик соҳалари учун ер ва сув тақсимотида тежамкор услублардан фойдаланиш. Ер тузиш, ер кадастри ва мониторингини юритишда геоахборот технологияларидан фойдаланиш кўлами. Ер рентаси, ер солиғи ва ер ижараси муносабатлари. Ер кадастрининг илмий асослари ҳисобланган рўйхатга олиш, ер ҳисоби, ер баҳолашдан фойдаланиш. Ер мониторинги ва ерларни муҳофазалашнинг ташкилий-иқтисодий асослари. Ер тузишнинг илмий асослари. Ноқишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер ажратишда зарарлар миқдорини аниқлаш ва қоплаш услублари. Суғориладиган деҳқончилик шароитида ерларни иқтисодий (меъёрий) баҳолашнинг назарий, услубий ва амалий масалалари бўйича тадқиқотларни олиб бориш. Фермер (деҳқон) хўжалиги ҳудудида ер тузиш, ер кадастри ва мониторингини юритиш. Ердан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда ер тузиш, ер кадастри ва мониторинги маълумотларидан самарали фойдаланиш услублари. Ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмлари. Замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш ва иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш шароитида ер фондидан оптимал тақсимлашнинг илмий-услубий асослари. Корхоналарни модернизациялаш ва қулай инвестиция муҳитини шакллантириш шароитида ердан фойдаланишда тежамкор технологияларни жорий этишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. Фермер хўжалиги ер майдонларини оптималлаштириш. Аграр соҳа тармоқларида ер участкаларини хусусийлаштириш ва рўйхатга олишнинг ахборотлар тизими. Аграр соҳа тармоқлари ва тармоқ ичи соҳалари ўртасида оптимал ер ва сув тақсимотини амалга оширишнинг иқтисодий механизмлари. Қишлоқ хўжалик ер ва экин турлари майдонлари ҳисобини юритишда қўлланиладиган тезкор ва илғор технологиялар. Қишлоқ хўжалигида ер ва сувдан фойдаланувчи субъектларда ер ва сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш.

Сервитут – аграр соҳани модернизациялашда ердан фойдаланувчи субъектларнинг барқарор ҳуқуқий-иқтисодий фаолиятини таъминловчи муҳим омили. Ҳудудларда аҳолини жойлаштириш, ҳудудларни режалаштириш схемалари ва бош режалари билан боғлиқ чора-тадбирлар. Қишлоқ жойларининг табиий-иқлим шароити ва рельефини, юртимиз ҳудудларининг ижтимоий-демографик хусусиятларини ҳисобга олишнинг ер ва сувдан фойдаланиш самарадорлигига таъсири.

## **8. Қишлоқ хўжалигида мавжуд ресурслардан фойдаланишни бошқариш**

Қишлоқ хўжалигининг ресурс салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари. Сув хўжалиги ҳолати, таркиби ва ривожланиш тенденциялари. Қишлоқ хўжалигини ривожланишида ирригация ва мелиорация тизимининг ўрни ва аҳамияти. Марказий Осиёда сув ва гидроресурслардан фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш. Суғориш технологиясини такомиллаштириш йўналишлари. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш фондлари, асосий ва айланма маблағлар. Уларнинг самарадорлигини ошириш усуллари. Амортизация фонди. Қишлоқ хўжалигида фойда ва даромадлар ҳамда уларнинг тақсимланиши. Қишлоқ хўжалигида кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолати ва меҳнат унумдорлиги. Қишлоқ жойларда бандлик муаммоси ва янги иш ўринларини яратиш йўллари. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш шакллари ва механизмлари. Қишлоқ жойларида меҳнат ресурслари. Деҳқон хўжалиklarини чорвачилик маҳсулотларини етиштиришдаги ўрни ва самарадорлигини ошириш йўналишлари.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш ва янги техникалар билан қуроллантириш. Тармоқда интеллектуал салоҳият ва малакали кадрлар таъминоти.

Қишлоқ хўжалигидаги технологик жараёнларни бошқаришни ташкилий-иқтисодий жиҳатлари. Аграр соҳа корхоналари ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини бошқариш стратегияси. Қишлоқ хўжалиги экинларининг қурғоқчилик, иссиқлик ва зараркунандаларга чидамли янги навларини яратишда биогенетик фондни асраш ва улардан самарали фойдаланишнинг иқтисодий механизмлари. Худудларда биохилма-хилликни асрашдаги иқтисодий-ташкилий механизмлар. Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган хўжалик юритиш субъектлари фаолиятини самарали бошқариш – аграр соҳанинг истиқболдаги ривожланишининг муҳим омили. Қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча шароитларни ўз ичига олган замонавий ва обод қишлоқларни барпо этишнинг қишлоқ хўжалигида мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига таъсири.

## **9. Аграр соҳада баҳо сиёсати ва баҳо турлари. Баҳо сиёсатини такомиллаштириш**

Қишлоқ хўжалигида баҳони эркинлаштириш ва давлат буюртмасини босқичма-босқич камайтириш. Қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари баҳолари ўсиши суръатлари ўртасидаги номуносивлик ва уни бартараф этиш йўллари. Қишлоқ хўжалигида баҳоларни тартибга солиш. Аграр соҳада молия-кредит сиёсати ва уни такомиллаштириш йўллари. Қишлоқ хўжалигини молиялаштириш муаммолари. Давлат томонидан агросаноат мажмуини молиялаштириш ҳолати ва истиқболлари. Агросаноат мажмуидаги амалга оширилаётган солиқ сиёсати хусусиятлари ва уни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш тизимини ислоҳ қилиш: ҳолати, муаммолари ва ечимлари. Солиққа тортиш борасида аграр соҳа корхоналарига, шу жумладан қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган имтиёзлар ва солиқ юки, ягона ер солиғини ҳисоблаш услубиёти. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш: дотациялаш ва субсидиялаш амалиёти. Мақсадли молиялаштириш. Молиялаштириш усуллари, тартиблари ва қонуниятлари. Қишлоқ хўжалигида инвестиция муҳити ҳолати ва уни яхшилаш йўллари. Қишлоқ хўжалигини инвестициялаш хусусиятлари. Қишлоқ хўжалигига жалб қилинаётган ташқи ва ички инвестициялар нисбати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичлар тизими. Қишлоқ хўжалигида инвестицияларни жалб этишда таваккалчилик. Қишлоқ хўжалигида инновация ва инновацион жараёнларни бошқариш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига баҳо шаклланишида меҳнат ресурсларининг ўрни ва таъсири, харажатлар таркибида иш ҳақи фондининг улуши.

Агробанкни ташкил этилиши ва қишлоқда кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожланишини молиялаштириш. Қишлоқ қурилиш банки ва қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожланиши.

#### **10. Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозори ва бандлик**

Ўзбекистонда меҳнат бозорининг ўзига хос хусусиятлари. Қишлоқ хўжалигида бандлик масалаларини ҳал этиш муаммолари. Қишлоқда касаначиликни ривожланиш хусусиятлари. Қишлоқда ижтимоий–сиёсий тадбирларни амалга оширишнинг устувор йўналишлари. 2009 йилда қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги мақсадли давлат дастурини амалга ошириш. Қишлоқда ижтимоий инфратузилма тармоқларини ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш хусусиятлари. Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини ва сифатини яхшилаш йўллари. Аграр соҳа корхоналарини интенсив ривожланиш йўлига ўтказишнинг назарий ва амалий муаммолари.

Қишлоқ хўжалигида меҳнатни моддий рағбатлантириш тизими ва иш ҳақининг ўрни. Тармоқда банд бўлганлар даромади ва унинг бандлик даражасига боғлиқлиги. Қишлоқ жойларда ишчи кучи миграцияси тенденциялари. Чорвачилик тармоғининг аҳоли бандлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти. Инфратузилма объектларини ривожлантиришнинг бандликни таъминлашдаги роли.

Қишлоқ хўжалигида бандликни таъминлаш муаммолари. Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини ва сифатини яхшилаш йўллари. Қишлоқ жойларида аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромадини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш чора-тадбирлари. Қишлоқда кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, яқка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг қишлоқ хўжалигида меҳнат бозори ва бандликни таъминлашга таъсири.

#### **11. Аграр соҳа тармоқларининг барқарорлигини ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришини таъминлаш**

Аграр соҳа маҳсулотларини экспорт қилишнинг ҳолати, таркиби ва ривожланиш истикболлари. Пахта толасини экспортдаги ўрни. Аграр соҳа мажмуасида тармоқ, тармоқлараро уюшма ва ассоциацияларни, агрофирма ва агрокомбинатларни, агро озиқ-овқат корпорация ва холдингларни ташкил этишнинг хусусиятлари. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни модернизация қилишнинг рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қобилиятини оширишга таъсирини баҳолаш.

Аграр соҳада ишлаб чиқариш ва кооперативлар тизими. Қишлоқ хўжалигида хўжаликлараро кооперацияларнинг ривожланиши.

#### **12. Қишлоқ хўжалигида илмий таъминот ва экологик муаммолар ечимлари**

Ўзбекистон шароитида атроф-муҳит ва экологик муаммоларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга таъсири. Қишлоқ хўжалиги экинларининг серҳосил, турли касаллик ва зараркундаларга чидамли, сифатли бозор талабига жавоб берувчи навларини яратиш ва жойлаштириш. Селекция ва уруғчилик тизимини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш. Биотехнологиялар ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш. Чорвачиликда зооветеринария ва наслчилик ишларини рағбатлантириш.

Суғориладиган деҳқончилик худудларида сув ва тупроқ экологияси. Шамол ва сув эрозияси олдини олиш. Яйлов-чўл чорвачилиги ва яйловлар деградацияси (чўл экологияси). Заҳарли химикатлардан, дефолиант ва гербицидлардан, минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш ва экологик мувозанат. Пахтачилик тармоғи ва ўрмон хўжалигини ривожлантириш ҳамда атроф муҳит муҳофазаси.

Чорва молларини юқумли касалликларга қарши вакцинация қилиш ва унинг инсон соғлиги учун таъсирини баҳолаш. Юқумли касалликларнинг инсон учун хавфини камайтириш.

Аграр тармоқда фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Фермер ва деҳқон хўжаликларига турли маслаҳатлар бериш, илмий ишланмаларни жорий этиш ва бунда консалтинг хизматларини ривожлантириш йўллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармонининг мазмуни ва моҳияти.

### **13. Математик моделлаштириш ва математик статистика масалалари.**

Математик моделлаштиришнинг мақсади ва вазифалари. Тизим, жараён, математик моделлаштириш тушунчалари ва уларнинг турлари. Математик моделларни синтез қилиш усули, моделнинг адекватлиги (объектга яқинлиги). Математик моделлаштириш ва илмий техник тараққиёт. Математик моделлаштириш ва ҳисоблаш эксперименти босқичлари. Математик моделлаштириш объектив ҳақиқатни англаш ва замонавий технология ҳамда тизимларни яратиш воситаси сифатида, моделлаштиришга қўйиладиган талаблар. Математик ва компьютерда моделлаштириш усуллари: экспериментал, аналитик, аналитик-экспериментал. Математик моделлаштириш - билишнинг универсал усули сифатида.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти масалаларини ечишда оптимизация масалалари. Оптимизация масалаларини ечиш усуллари. Оптимизация масалаларини компьютерли моделлаштириш. Ердан фойдаланиш масалаларида тақсимот усулларида фойдаланиш. Хусусий ҳосилали оддий дифференциал тенгламалар билан фойдаланувчи ердан фойдаланиш жараёнларнинг математик моделлари. Сонли усуллар математик моделларни амалиётга жорий этиш усули сифатида.

Танланмалар усули. Танланманинг статистик тақсимоти, тақсимот функцияси. Полигон ва гистограмма. Тақсимот параметрларининг статистик баҳолари. Баҳоларга қўйиладиган талаблар. Танланма ўртача қиймат, танланма дисперсия ва ўртача дисперсия моддаси, медианаси ва вариация коэффиценти. Тақсимот параметрларининг интервалли баҳолари. Корреляция назарияси элементлари. Корреляция назариясининг икки асосий масаласи. Шартли ўртача қийматлар. Корреляцион боғлиқлик. Регрессия тўғри чизиғи. Моделлаштиришда системали таҳлил. Корреляция назарияси методлари. Танланма корреляция коэффиценти ва унинг хоссалари. Корреляцион боғланиш (регрессия) тенгласини тузиш. Эгри чизиқли ва кўп ўлчовли корреляция таҳлили. Статистик гипотезаларни текшириш. Статистик критерия. Статистик баҳолар. Ишлаб чиқариш функциялари. Ишлаб чиқариш функцияларининг номаълум параметрларини ҳисоблаш. Ишлаб чиқариш функцияларининг иқтисодий характеристикалари. Нормал тақсимот параметрлари учун ишончли баҳолар. Тақсимот марказининг ишончли баҳолари. Нормал тақсимот ўртача квадратик четланиши  $\sigma$  нинг баҳоси учун ишончли интерваллар. Тармоқлараро баланс моделлари. Тармоқлараро баланс жадвали. Тармоқлараро баланснинг Леонтьев модели.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, 2016.
2. "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 02.07.1992 й. - № 625.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуни. Мехнат, 1992.
4. "Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни 02.09.1993 й. - № 918.
5. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси. - Т.: Адолат, 1996.
7. "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 30.04.1998 й. № 609.
8. "Инвестиция фаолияти тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни 9.12.2014 й. № 50.
9. Ўзбекистон Республикасининг "Ижара тўғрисида"ги қонуни. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. - Тошкент. «Шарк» нашриёт-матбаа концерни. 1-том. 1998.
10. "Дехқон хўжаликлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни.
11. Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги Қонуни. 1999 йил 14 апрел. - Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999.
12. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги Қонуни. 2000 йил 15 декабр. - Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001.
13. Янги таҳрирдаги "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2004 йил 26 август. "Солиқ ва божона хабарлари" газетаси, №42 (534), 2004.
14. Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни. - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон.
15. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 апрелдаги "Кредит ахбороти алмашуви тўғрисида"ги ЎРҚ-321-сонли Қонуни.
16. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 16 январдаги "Рақобат тўғрисида"ги ЎРҚ-319-сонли Қонуни.
17. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги ЎРҚ-327-сонли Қонуни.
18. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 23 октябрдаги "Гаров реестри тўғрисида"ги ЎРҚ-356-сонли Қонуни.
19. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 25 августдаги "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги ЎРҚ-392-сонли Қонуни.

### II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва қарорлари

1. "Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 1996.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «О кардинальных мерах по совершенствованию систем расчетов в сельском хозяйстве». №УП-1734от11.03.97.
3. "Машина-трактор паркларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш уларнинг хизматларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 106-сонли қарори. 1998.

4. "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони, 2003.
5. "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 383-сонли қарори, 2003.
6. "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 476-сонли қарори, 2003.
7. "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-24-сонли қарори. 10.03.2005 й.
8. "Экспорт ва импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-100-сонли қарори. 15.06.2005 й.
9. "Бозор ислоҳотларини чуқулаштириш ва иқтисодиётини янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга оширишни жадаллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3618-сонли қарори. 14.06.2005 й.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида 2006 – 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида"ги Қарори 2006.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги "2007 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-514-сонли қарори. Халқ сўзи 2006 йил 22 ноябр.
12. "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3706-сонли фармон. 2006 йил 5 январ.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3932 сонли Фармони. - 2007 йил 29 октябрь.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-718 сонли қарори. - 2007 йил 31 ноябр.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4053-сонли "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1083 сонли "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки тўғрисида"ги Қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1084 сонли "Агробанк" акциядорлик тижорат банки тўғрисида"ги Қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида". 2009 йил 26 январ, ПҚ-1046-сон.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сонли "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-4478-сонли Фармони.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги "2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1958-сонли қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 апрелдаги "2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1957-сонли қарори.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 13 мартдаги "2013-2015 йиллар даврида республикада узумчиликни янада ривожлантириш дастури тўғрисида"ги ПҚ-1937-сонли қарори.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 майдаги "Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2176-сонли қарори.

